

**АБДУЛАЗИЗ ҲАСАНОВ ИЖОДИЙ ПОРТРЕТИГА БИР НАЗАР
(ФОРТЕПИАНО ВА СИМФОНИК ОРКЕСТРИ УЧУН КОНЦЕРТИНИНГ
ТАҲЛИЛИ АСОСИДА).**

Ибрагимова Ш.Э

Ўзбекистон давлат консерваторияси

Муסיқа назарияси кафедрасининг катта ўқитувчиси

***Аннотация:** Мазкур мақола композитор Абдулазиз Ҳасановнинг серқирра ижодий фаолиятига бағишланган бўлиб, унда “устоз-шогирд” миллий анъаналари ижодкорнинг муסיқий тилида ёрқин ифодаланганлиги фортепиано ва симфоник оркестр учун концерти таҳлили мисолида келтирилган.*

***Калит сўзлар:** композитор Абдулазиз Ҳасанов, “устоз ва шогирд” анъаналари, концерт, мавзу, мавзуийлик, куй, ритм, метро-ритмик хусусиятлар, ургу, мунтазам ва номунтазам ургулик, полиритмия, полиметрия, миллийлик.*

***Аннотация:** Данная статья посвящена многосторонней творческой деятельности композитора Абдулазиза Хасанова. В статье на примере анализа концерта для фортепиано с симфоническим оркестром раскрывается национальная традиция “устоз-шогирд”, которая ярко отражена в музыкальном языке концерта.*

***Ключевые слова:** композитор Абдулазиз Хасанов, традиция “учитель и ученик”, концерт, тема, тематизм, мелодия, ритм, метро-ритмические особенности, акцент, регулярная и нерегулярная акцентность, полиритмия, полиметрия, национальные черты.*

***Abstract:** Following article is devoted to creative activity of composer Abdulaziz Khasanov. The concert for piano and symphonic orchestra analysis examples includes the national traditions of “teacher and disciple follower” which are widely expressed and reflected in musical language of concert.*

***Keywords:** Composer Abdulaziz Khasanov, “teacher and disciple” tradition, concert, theme, theming, melody, rhythm, metrorhythmic features, accent, regular and irregular accentuation, polyrhythmia, polymetry, national traits.*

Ўзбекистон ёш авлод композиторлари озод ва обод ватанимизнинг муסיқий маданиятини ривожлантириш жараёнида фаол ижод қилиб келишмоқда. Мустақиллик даврида ёш композиторлар ижодиёти гуллаб яшнади, булардан Ойдин Абдуллаева, Жаҳонгир Шукуров, Артём Ким, Хуршида Ҳасанова, Абдулазиз Ҳасанов, Фаррух Акрамов, Нурали Эркаев, Шерзод Собиров каби композиторларни мисол келтиришимиз мумкин. Улар орасида етук салоҳиятли композитор Абдулазиз Ҳасанов ўзига хос муסיқий ижоди билан ажралиб туради. Абдулазиз Тельманович Ҳасанов Тошкент шаҳрида таниқли муסיқачилар оиласида таваллуд топган. Унинг ижодий фаолияти талабалик давридан бошланган бўлиб, композиторлик мутахассислиги бўйича доцент М.Махмудов синфида таҳсил олди. 1996-йилда Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат Консерваториясини муваффақиятли тамомлаб, кейинги 2 йил ичида консерваториянинг ассистент-стажёрлик бўлимида профессор Т. Қурбонов синфида касб малакасини оширди. Ёш композитор Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси сафига 2000-йилда янги муסיқий асарлари билан кириб келди. Унинг 1990-1998-йилларда ёзилган асарлари қаторига фортепиано учун: “Прелюдиялар”, “Фугатто”, “Диалог”, 10та “Полифоник куйлар”, тўрт қўл ижросига мосланган “Бухороча”, фортепиано учун 5 та куй: “Скерцо”, “Орзу”, “Рақс”, “Ўйлар”, “Масхарабозлар”; хор учун “Она”, гобой ва фортепиано учун “Пьеса”, торли ва урма чолғу асбоблар учун “Вариация”, “Симфоник поэма”, фортепиано ва симфоник оркестр учун “Концерт” каби асарларини мисол келтириш мумкин. Композиторнинг йирик чолғу муסיқа асарларида намоён бўлган услуби, фортепиано ва симфоник оркестр учун яратган 2-концертида (2001) ҳам яққол ўз ифодасини топган. Ушбу даврда ёзилган асарларида С. Прокофьев, Д. Шостакович, Б. Барток каби машхур композиторлар муסיқасининг таъсири сезилиб туради. Бундан ташқари, композитор “Тоҳир ва Зухро” кинофильмининг муסיқасини қайта яратишда ҳамкорлик қилди ва эстрада гуруҳлари учун турли хил ранг-баранг қўшиқларни ҳам яратди.

Ижодкор ўзи яратган охириги муסיқий асарлари ичида асосан ўзбек миллий мавзуларга кенг муурожаат этган: “Қўшчинор”; А. Навоий сўзи халқ муסיқаси, хор а’сарелла учун қайта ишланган (2004), “Марш” дамли чолғу оркестри учун (2005), ёғоч дамли чолғулар квинтети учун куй (2009), “Кайфият” дутор квинтети учун куй (2010), бастакор Набижон Ҳасановнинг “Танланган қўшиқлар” овоз ва фортепиано учун қайта ишланган (2011), блок флейта учун 2 та куй (2011). “Кашмирда” романси мавзусига фортепиано транскрипцияси (2012), “Сехрли лаҳзалар” ўзбек қалқ чолғулари “Сугдиёна” камер оркестри учун (2012), фортепиано учун “Этюд” (2014), Президент оркестри учун мослаштирилган “Балбрауны” номли қозоқ халқ куйи (2013) ва болалар фортепиано асарлари (2016) кабиларни мисол келтириш мумкин.

Композитор муסיқаси услубига ранг-баранг гармония, куйчанлик, ҳаракатчанлик, ёрқин мажор-минорнинг қўлланиши, ритмнинг тез-тез ўзгартирилиши каби хусусиятлар хосдир. Унинг муסיқий асарлари ўзбек миллий оҳанг ва ритмикаси билан йўғрилганлигини ҳам эътироф этиш лозим.

Айниқса, композиторнинг 1998-йилда устози Тўлқин Қурбоновга бағишлаб яратилган “Фортепиано ва симфоник оркестр учун концерт”и бадийий ғояси, уни амалга ошириш тамойиллари, образли тузилмалари, мазмун ифодавийлик устунлиги каби хусусиятлари билан бошқа асарларидан ажралиб туради. Ушбу концертда композитор ўзининг ғояси бўйича “устоз ва шогирд анъанаси” кўрсатилган. Дарҳақиқат, концертни устоз-шогирд муносабатларини ҳамда диалогларини муסיқий тилда моҳирона очиб бера олган асар деб ҳисобласак адашмаймиз. Асар мавзуийлик жиҳатидан ўзбек миллий муסיқаси ва усулларини ўзига хос уйғунлашуви асосида яратилган.

Ушбу асарда тембро-ритмик, полифоник, куйга оид куйчан мавзуийлик турларини учратишимиз мумкин. Концертда контрастлик хусусияти жуда кучли бўлиб, қисмлар орасида ва мавзулар орасидаги ўзаро контрастликларни ҳам кузатамиз.

Асар бир қисмли концерт шаклида ёзилган бўлиб, мавзулар бирин - кетин концерт давомида тез-тез такрорланиб туради ва унга рондаллик ҳамда вариационлик хусусиятлари хос. Концертда асосий мавзу икки кўринишда берилган бўлиб, мономавзуйлик хусусиятларини акс эттиради. Концерт оркестрдаги барча чолғулар жўрлигида, яъни кириш туттисидан бошланган. Асарнинг асосий лейтмавзусини фортепиано чолғуси жарангдор ёрқин характерда очиб берган. Ушбу фортепианода янграган бошланғич мавзу шўх ёш шогирднинг характерини ифодалаб келади.

Концертда, музикаий тилнинг бошқа муҳим элементларидан фарқли равишда ритм алоҳида аҳамиятга эга ва у ифодавий воситалар орасида биринчи ўринда асар мазмунини ёрқинроқ акс эттиради. Бунда ритмиканинг В.Холопова классификация тамойилларидан – мунтазам ва номунтазам урғуликнинг уйғунлашувини кўришимиз мумкин. Асарда ўлчовлар тез-тез алмашилиб келади, бир вақтда икки ёки уч метрлар жамланмасидан, яъни полиметрикага асосланган; $4/4$, $3/8$, $2/4$, бундан ташқари композитор ўзига хос $3+3+3/8$, $2+2+3/8$ каби усуллардан ҳам моҳирлик билан фойдаланганлигини кўрамыз. Энг эътиборли жиҳати шундаки, композитор асарнинг ритмикасида миллийликни акс эттириш учун $3/8$ ўлчовида доира қочиримларини акс эттирган.

Мавзу бир хил чўзимдаги товушларнинг ҳаракати асосида ривожланган бўлиб, турли хил чолғуларда бирин - кетин янграйди. Бу партиядо фортепиано ва тромбон музика чолғулари асосий ўрин эгаллаган бўлиб, уларнинг мавзуларни навбатма-навбат ижро этиши чолғулар суҳбатини акс эттирган. Бош мавзу охири тутти билан *fff* да якунланади.

Иккинчи мавзу биринчи мавзунинг ўзгартирилган тури бўлиб, $3/4$ ўлчовида *Andante* темпида. Бу мавзу ўзига хос бир хил метро-ритмик ҳаракатда бошланган бўлиб, асардаги контрастликни лирик томондан моҳирона ифодалаб беради. Мавзу жанр жиҳатдан нисбатан ўзгариб, оҳанг негизи сақланиб қолган, лекин ритмика ва темпи ўзгарганлиги учун образ сифати ҳам ўзгариб боради.

Бу кўпроқ фортепиано чолғусининг соло ижролари мавжуд бўлган партиялардан биридир, фортепиано чолғуси ўзгача характери акс эттириб бера олган бўлиб, худди жаз муסיқаси оҳанглари эслатади (бунда жанрли вариационлик хусусида гап юритиш мумкин). Баснинг ҳаракати худди оғир темпда ижро этилган вальс ритмига ўхшаш ва бундай ҳаракатнинг узок вақт давомийлигини тинглашимиз мумкин. Фортепиано ва валторна бирин-кетин шогирд мавзусини ижро этади. Бунда композитор куйда яна чолғулар диалоги усулини қўллаганлигини кузатамиз.

Асарда ўзига хос каденция қисми мавжуд бўлиб, каденция бошида фортепиано чолғуси ижросидаги триоллар кетма-кетлиги тингловчи эътиборини тортади. Айнан каденциядаги 4/4 ўлчовида фортепиано ижросидаги соло бутун асардан мутлақо ажралиб туради. Лирик характерда ва оғир темпда бошланган куй мохирлик билан шундай ўзгарадики, тезда ҳаракатчан, рақсона, драматик характер билан боғланади. Асардаги фортепиано солоси албатта ҳар бир тингловчини лол қолдириши шубҳасиз.

Реприза асарни бир бутунликда жамлаган ҳолатда намоён қилади ва у асарни кичик бир хотима сифатида тасдиқлаганини тинглашимиз мумкин.

Хулоса қилиб, фортепиано учун ёзилган концертда қуйидаги жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтамиз. Композитор асарни ўз услубига таянган ҳолда шундай яратган: мавзудаги овозлар ҳаракати поғонома-поғона ҳаракатланган бўлсада ундаги ривожланиш жуда ёрқин тарзда ифодаланган. Мавзулар бир хил кўринишда эмас, балки ўзгарган ҳолда намоён бўлади ва асарда турли характерларни ўзига хос тарзда тасвирлаб бера олган. Метроритм бу асарда нақадар кучлилигини хис қилиш қийин эмас. Масалан: мавзуларда – урғулар ҳар хил ҳиссаларда келган, уларда полиритмик ва полиметрик хусусиятлардан кенг фойдаланган. Композитор фортепиано чолғусининг қўлланилишида нафақат соло ва шу билан бирга бошқа чолғулар диалогиди, балки уни урма-зарбли ва дамли чолғулар билан жўрлигини ҳам кузатамиз. Бу жиҳати орқали у оркестр билан бир бутунликни ташкил эта олган.

Ушбу муסיқий асарнинг энг эътиборли томони унинг семантикаси билан узвий боғлиқликда яратилганлигидир. Асарда узок йиллар давомида сақланиб келаётган “устоз ва шогирд анъаналари” қисман баён этилган. Композитор “устоз ва шогирд” муносабатларини ҳаётий, барчага тушунарли тасвирий ҳолатларда ёркин акс эттириб бера олган. Бу эса: 1) концертга хос мусобақалик – устоз ва шогирд мисоли тарзида; 2) икки образнинг бир мавзуйлик негизи асосида яратилганлиги ва улар бир мавзу вариантлари сифатида: шогирд образи жуда ҳам шўх оҳангларда, устоз образи эса оғир вазмин характерда ифодаланган. Асарда доира қочиримларидан моҳирона фойдаланилганлиги концертда ўзига хос миллий руҳини акс эттиришга катта ёрдам берган.

Ушбу концерт ҳозирги кунда ўзбек композиторлари томонидан яратилган асарлар орасида ўзига хос ҳусусиятлари билан ажралиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Ҳ.Жабборов. Ўзбекистон бастакорлари ва муסיқашунослари. Маълумотнома. Т., Янги аср авлоди. 2004.
2. В. Холопова. Музыкальный ритм. М., Музыка. 1980.
3. В. Холопова. Мелодика. М., Музыка. 1984.
4. М. Ахророва. Абдулазиз Хасановнинг “Фортепиано ва оркестр учун концерти” БМИ, илмий раҳбар ЎзДК Муסיқа назарияси кафедрасининг катта ўқитувчиси Ш.Э.Ибрагимова, Т.2018.